

Мелинда Наж Абонжи

КАБУТАРЛАР БАЛАНД УЧАДИ

Қисса



ТОШКЕНТ
«O‘ZBEKISTON»
2016

УЎК 821.112.2(494)
КБК 84(4Шве)
А 17

Немис тилидан
Мирзаали АКБАРОВнинг эркин таржимаси

Авонжи, Мелинда Наж

А 17 Кабутарлар баланд учади [Матн]: қисса/М.Н. Авонжи; тарж. М. Акбаров. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2016. – 56 б.

ISBN 978-9943-28-749-5

Швейцариялик таниқли адиба Мелинда Наж Абонжи қаламига мансуб ушбу асар бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бўлган муҳожирлик ва миграция мавзуларига бағишланган. Асар Цюрих Адлия ва ички ишлар департаменти, Швейцариянинг Pro Helvetia ва Германиянинг Роберт Бош жамғармалари грантлари билан тақдирланган ва жаҳоннинг кўпгина тилларига таржима қилинган.

Унда венгриялик бир оиланинг мусофир юртда чеккан машаққатлари қаламга олинган. Оила аъзолари Швейцарияга кўчиб бориб, у ерда янги ҳаёт бошлаш йўлида катта қийинчиликларни бошидан кечирадилар, ҳаёт қозонида қайнаб, тобланадилар. Ватандан олисда яшаб, юрт қадрининг нечоғли эканини ҳис этиб, ҳар қадамда ватан соғинчи билан умр кечирган бу оила аъзолари қийинчиликларни мардонавор енгиб, халқига, юртига, она тилига, урф-одат ва анъаналарига содиқ қолганлари муаллиф томонидан маҳорат билан очиб берилади ва шу боисдан ҳам мазкур қисса катта қизиқиш ва ҳаяжон билан ўқилади.

УЎК 821.112.2(494)
КБК 84(4Шве)

ISBN 978-9943-28-749-5

© Мирзаали Акбаров (тарж.), 2016
© «O'zbekiston» НМИУ, 2016



I боб ТИТОНИНГ ЁЗИ

Шоколад рангли «Шевроле» маркали автомобилмиз билан ниҳоят, шаҳарчага кириб борганимизда қуёш аёвсиз қиздирар, туш пайти бўлганиданми, уйлар ва дарахтларнинг сояларини ҳам гўё «ютиб» юборгандек эди. Биз охирги ёз фаслидан бери, умуман, ўтган йиллар ичида қандай ўзгаришлар бўлганини ўз кўзимиз билан кўриш учун бўйнимизни чўзиб, те-варак-атрофга разм солиб келардик.

Шаҳар бошланаётганидан дарак берувчи сервиқор тераклар саф тортган кўча ва хиёбонлар бўйлаб ўтиб борарканмиз, осмонга бўй чўзган бу дарахтларга қараб, бошим айланиб кетганини ҳеч кимга билдирмадим (шу дамда хаёлимда гўё Маттео икковимиз қишлоқ чеккасидаги ўрмоннинг очиқ яланглик жойида охири кўринмас доира бўйлаб гир айланаётган-дек эдик).

Шоколад тусли «кема»миз азим тераклар ёнидан елиб ўтиб борар, қуёш аямай ёндираётганидан ҳаво дим, қилт этган эпкин йўқ эди. Отам атрофга аланглаб, паст овозда «Ҳаммаси ўшандай турибди, ҳеч нима ўзгармабди, ҳеч нима», деди. Беихтиёр кўнглимдан, отам мабодо ёввойилашиб кетган дарахтларнинг шохларини бутаб-қирқиб ёки бўлмасам теракларни тамомила кесиб ташлайдиган боғбонларни хоҳдамасмикин, деган ўй ўтди (ана ўшанда биз тўнка, кундалардан бирининг устига ўтириб олган, отам эса:

«Мана ниҳоят, бу ярамас, чанг босган дарахтлардан қутулибмиз-да», деган бўлармиди).

Бу дарахтларнинг мен учун қанчалик муҳим эканлигини ўзимдан бошқа ҳеч ким билмасди. Менга қолса, ҳозир шу ерда тўхтаб ўтган, дарахтлардан бирининг танасига суяниб, япроқларнинг оҳиста тебранишига маҳдиё бўлган бўлардим, лекин отамга буни айтолмасдим, чунки «нега» деган саволга жавоб тополмас, манзилга етай деганимизда нима учун айнан шу ерда тўхтамоқчи эканлигимни тушунтиришимга, шунингдек, Маттео ҳақида ҳам гапириб ўтиш учун жуда кўп нарсаларни айтиб беришимга тўғри келарди.

Машинамиз, гўё пинҳоний куч тортиб бораётгандай, кўчанинг ўнқир-чўнқирларига ҳам парво қилмасдан, бир текисда елиб борарди. Манзилга етиб бормасимиздан олдин «ҳеч нарса ўзгармагани»га гувоҳ бўлишимизга тўғри келди. Бу ерлар одамда шундай таассурот қолдирардики, гўё тамаддун тақдир зарбасига дуч келгану, абадий турғунлик ҳукм сурарди. Биз болалар юзларимизни машина ойнасига тираган кўйи кўзларимизга ишонмасдик. Одамлар тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётган ахлатхоналар орасида, қат-қат буклама темир тунукалар ва юпқа тахталардан тикланган омонат уйчаларда яшашарди, сочлари тўзфиган болалар эса турли хил чиқиндилар ҳамда автоуловларнинг синиқ парчалари уюм-уюм бўлиб ётган харобалар ичида ўйнаб юришарди. Агар мана шу синиқ парчаларга туңда жон кириб, қимирлаб қолишса нима бўларкин? Шу лаҳзада теракларни, Маттеони ҳам унутдим, теварак-атрофга ҳадемай тун ўз чодирини ёпади, қаердандир эшитилаётган лўлиларнинг қўшиқлари қулоғимга кирмас, кўзларимга фақат қопқора кўланкалар кўринарди, холос.

Отам ойнадан ташқарига қараган кўйи сўкинади, қуруқ йўтали тутиб, бошини сарак-сарак қилади, ён

томондаги ойнани кўрсаткич бармоғи билан чертиб, бизга қаранглар дейди. Тоғ-тоғ бўлиб ётган ахлатлар уюми узра ҳар хил латта-путталар кўзга ташланади, одамларнинг ҳатто кўрпа-тўшаги ҳам йўқ, каравотлар ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади. Эҳтимол, шу боис улар кечаси ерга, қоп-қора текисликка қапишиб олишади. Ҳозир ёз, кунгабоқарлар қийғос гуллаб ётибди, қишда эса одамларнинг ҳоли не кечади, худо билади.

Бироқ мен бундай текисликларни яхши кўрардим, буни ҳали ҳеч кимга айтмаганман. Ўзинг ёлғиз, танҳо, қўлларингни ёзиб, бағрингни ерга бериб, текислик узра чўзилиб ётиб олсанг борми, у сени ҳимоя қилади, бу эса унинг инъомидир.

Агар Маттеони (сицилиялик бу йигитча ёзги таътил бошланишидан бир неча ҳафта олдин синфимизга тўсатдан кириб келган ва ўзини *ciao, sono Matteo de Rosa!* дея таништиргач, муаллимдан бошқа барчага бирдай ёқиб қолган эди) севаман десам, мени кўпчилик балки тушунган бўларди. Аммо буни, шу текисликни, чанг босган, лоқайд, мағрур теракларни ва улар орасидаги ҳавони яхши кўраман, деб қандай айтаман? Бу ерларда ёзда қаёққа қараманг, кунгабоқарлар қийғос гуллаб, маккажўхоризорлар, буғдойзорлар ястаниб ётади, одамлар бепоён далалар бағрига сингиб кетишади, агар ҳушёр бўлмасанг, текислик еб қўяди дейишади, очиғи, бунақа гапларга ишонмайман, мен бу текисликнинг ўз қонун-қоидаси бор денгиз эканига ишонаман.

Эҳ, бечоралар-ей, дейди онам, худди телевизор кўраётгандай, биз эса, жуда кўп пулга сотиб олган машинамизда гўё бутун бошли кўча ўзимизгагина тегишлидек, йўлда давом этдик. Отам радио мурва-

* Салом, менинг исмим Маттео де Роза (итал.). Барча изоҳлар таржимонники — М. А.

тини бурайди ва худди воқеликнинг маймоқлигини даволамоқчи бўлгандай, қўшиқ янграйди: *у ён борма, кел бу ёққа, келақол, бўса бергил менга, жоним...*

Темир йўл изидан ўтишимиз билан алазамонлардан бери бир томонга қийшайиб, занг босиб ётган лавҳага кўзимиз тушди, унда шаҳарчанинг номи зикр этилган, «Мана, етиб ҳам келдик», дейди синглим Номи, қабристон томонга ишора қиларкан. У ерда адолатсизлик ҳукм сураётгани кўзга яққол ташланиб турарди: қаровсиз, ташландиқ қабрлар атрофини бегона ўтлар босиб кетган, ёғоч хочларни таниб бўлмас, лавҳачалардаги ёзув, рақамларни ўқишнинг илож-имкони йўқ эди. «Ҳа, етиб келдик», дейди Номи, кўзларида эса қандайдир қўрқув зуҳур эди, эҳтимол, қабрларни зиёрат қилишдан олдинги ҳадик-хавотир эди бу, чунки бу ерда ота томонидан бобомиз, она тарафидан бувимиз, катта амаки ва холаларимиз мангу уйқуга кетишган, бунақа пайтларда одатда об-ҳаво ҳам яхши бўлмайди, тоштахталар ётқизилган қабрлар узра гладиолус ва нафис атиргуллар барқ уриб ўсиб ётар, марҳумлар исмишарифи қабртошларга ўйиб ёзилган, уларни келаси авлодлар ўқий олади, лекин мана шу тоштахталарни негадир жиним суймайди, чунки улар текислик тупроғини босиб, унинг остидаги руҳларнинг учиб кетишига тўсқинлик қилар эди.

Энг ёмони, тоштахталар остида ётган қариндош-уруғларимизга гуллар — сариқ ва қизил атиргуллар, карнайгуллар етишмасди, «Бироқ марҳумларни ҳеч ким, ҳатто Allerheiligen^{*} куни ҳам ҳеч ким йўқламасаям, — дейди онам синиқ оҳангда, — барибир қабрлар ҳувиллаб қолмайди». Ушбу сўзлар зами-

* Allerheiligen — католиклар томонидан 1 ноябрда нишонланадиган, азиз-авлиёларга бағишланган диний байрам.

рида турмушнинг чуқур ва аччиқ қайғуси, ватанидан олисда эканлиги боис ўз яқинларининг қабрларини лоақал бир йилда бир марта, ҳеч бўлмаса Allerheiligen куни зиёрат қилиб, пойига гуллар қўйишга имкони йўқ инсоннинг қалб нидоси мужассам эди.

Войводинада қариндошларимиздан кимдир вафот этгудай бўлса, Манси хола билан Мориц амаки бизга дарров қўнғироқ қилишарди, сўнг Mamika^{*}нинг юракларни титратиб юборадиган овозини эшитгач, уйимизга ғалати сукунат чўмарди, машъум хабардан кейин худди шарпаларга ўхшаб қолардик. Ҳамон эсимда, 1979 йилнинг октябри эди, кунларнинг бирида отамизнинг севимли катта холаси бандаликни бажо келтиргани ҳақида хабар келди, шунда отам онам уйга опкелиб қўйган сариқ гулли хризантемаларни кутилмаганда ахлат челаққа улоқтираркан, энди марҳумага гуллар керакмас, деди. Ўшандан буён мен ва синглим Номи хризантемаларни мамну гуллар деб атаймиз, чунки энди уларни ортиқ стол устига ҳам, вафот этган қариндошларимизнинг қабрлари пойига ҳам қўя олмас эдик.

«Шевроле» машинамиз ниҳоят, Hajduk Stankova деган жойга етиб бориб тўхтади.

— Мана, етиб келдик, — дедим мен. Отам моторни ўчираркан, қисқа сигнал чалди ва машина бўйи тахминан икки метр, эни эса уч метрча келадиган тахта дарвозадан ичкарига кириб бориб, енгил тин олди. Бу — Mamika, яъни отамизнинг онаси — бувижонимизнинг уйи эди.

— Сизларни худонинг ўзи етказди, — деди бувижон, ҳар биримиз билан алоҳида кўришаркан, унинг ўзигагина хос бўлган майин овозда. Ва ичкарига ки-

* Войводина — Венгриянинг жанубида жойлашган вилоят, бугунги кунда Сербияга қарайди.

** Mamika — венгерчада «бувижон» дегани.

ришимиз билан столга турли хил ичимликлар билан бирга шишачада ароқ ҳам келтириб қўйди.

Мен эса уй ичини, ундаги нарсаларни, ҳовлини кўздан кечира бошладим. Чамамда, товукхонадан тортиб то боққа қадар, ҳамма-ҳаммаси худди илгаригидек, болалик чоғларимда қандай бўлса, шундай, деярли ўзгармаган эди. Хўш, Юли-чи, Юли? Ҳамма нарсага ишонувчан ва ҳамма нарсани тез унутиб юборадиган, кўзлари доим кулиб турадиган, сочлари тўзиб юрадиган қиз ҳам шу ердамикин? Тентакки-на қизнинг: «Менга нима опкелдиларингиз?» — деб сўрайдиган одати бўларди.

— Ҳе, Номи ва Илдико, — дейди Юли бизга қараб, — мен сизларнинг синглингизман, ҳа, ҳа, мен биламан, у жуда гўзал қиз. — Юли шундай деб, қиқир-қиқир кулади ва бизга кўйлагининг катта-катта гулларини кўрсатаркан, яна шундай дейди:

— Булар менинг кўзларим, ҳа, ҳа...

Traubisoda! Юртимизнинг сирли ва сеҳрли ичимликларидан бири ана шундай деб номланади. Бувижонимиз айнан Номи икковимизга атаб, ана шу ичимликдан ҳам келтириб қўйди. Биз бу мазали ичимликни ниҳоятда хуш кўрардик, баъзан уйга — Швейцарияга ҳам бир неча шиша олиб борсакмикин, дея ўйлаб қўярдик, ахир ватанимизнинг ушбу хушбўй ичимлигини у ердаги дўст ва дугоналаримизга кўрсатиб, кўз-кўз қилсак ёмон бўлмасди, аммо негадир ҳанузгача шундай қилмаган эдик.

Бувижонимиз бизларни товук гўшти солиб пиширилган лаззатли таом ва тузланган бодринг ҳамда қизил пиёз аралаштириб тайёрланган помидор салати билан сийлади. Мезбонга миннатдорчилик билдириш мақсадида овқат еяётиб ҳам ўрнимиздан туриб, бувижоннинг бўйнига осилган кўйи ўпиб, қучиб раҳмат айтамиз, бувижонимиз бунга монелик қилмайди,

қайтанга менинг набираларим «икки энли» ўсиб, катта қиз бўлиб қолишибди, дея бизларни эркалаган бўлади. Ота-онамиз эса бувижонга Швейцариядаги турмушимиз ҳақида, тепасига КИР ЮВИШ, ДАЗ-МОЛ БОСИШ деб ёзилган оқ-қора рангли пешлавҳа осилган хусусий дўконимиздаги ишлар ҳақида ҳикоя қилишаркан, отам битта кўйлакни дазмоллаш қанча туришини тушунтирмоқчи бўлиб, бармоқлари билан ҳавога алақандай рақамларни «чизади», онам бўлса, дазмол босишнинг ҳам ўзига хос сир-асрорлари борлиги, дазмолни мато бўйлаб қандай юргизиш зарурлиги, кўйлак ёки матони унда ҳеч қандай гижим ёки букланган жой қолдирмасдан, силлиқлаб дазмоллаш кераклиги ҳақида сўйлайди. Бир қулоғим билан ота-онам суҳбатини тинглаётган бўлсам, иккинчи қулоғим билан Номи сўзларини тинглайман. «Ичимлик олиб борсак, дугоналаримиз нима дейишаркин», дейди у. Масалан, Бетти ёмон эмас, тузук дейди, Клаудия эса шишачанинг у ёқ-бу ёғига қараб, ҳеч нима демай, шунчаки елка қисиб қўя қолади. Нима бўлгандаям, биз Traubisoda ичимлигини яхши кўрамиз ва у барча ичимликлардан, ҳатто «Coca-Cola»дан ҳам машҳурроқ бўлиб кетадиган кунни орзиқиб кутардик.

Номи бизга ана шу ичимликдан яна қуйиб узатаркан, отам ўз ҳикоясини давом эттирди, тоза ювилиб, яхшилаб дазмолланган кийимларни катта-катта саватларга жойлаб, эгаларига ўзимиз етказиб беришимизни айтди ва гап орасида бу иш кўпинча кечқурунлари бажарилишини ҳам қистириб ўтди.

— Кунларнинг бирида, — деди у, — бир мижозимизга нарсаларини элтиб бераётган пайтимда, дайди итларга таланишимга ҳам оз қолган.

— Ишларинг оғир экан, болам, — деди бувижоним, нондан кесиб, отамга узатаркан.

— Аммо топиш-тутишимиз ёмон эмас, — дейди отам ва олдидаги қадаҳни яна ароқ билан тўлдира бошлайди. — Ўзингиздан гапиринг, онажон, ҳалиям мана шу арзимас нонни олиш учун тун ярмига қадар навбатда турибсизми, партизанлар қироли ниҳоят, ўлди-ку, шундай эмасми? Ё энди нонни хоҳлаган пайтда сотиб олишингиз мумкинми...?

Отам Мориц амаким тайёрлаган қўлбола ароқни кетма-кет «лиқ» этиб ютаркан, Шарқ билан Фарб ўртасидаги тафовутлар ҳақида гапира бошлайди:

— Мана, бу йил ўртоқ Иосип Броз Тито ҳам ўлди, энди мамлакат собиқ социалистик тузумдаги хўжасизликдан ўзига келгунга қадар ҳали кўплаб авлодлар келиб-кетиши аниқ, — дейди у. Номи бўлса, бувижонимни ҳоли-жонига қўймай, тинмай «сўроқ» қилиш билан овора:

— Бу йил чўчқаларингиз қанча болалади, ғоз, товуқларингизнинг сони нечтага етди, бозор-ўчарингизни ҳалиям ўша Юли қилиб бераяптими? — ҳоказо ва ҳоказо. Онам унга эътироз билдириб:

— Энди келдик-ку, қизим, ҳали бир неча кун вақтинг бор, сўраб-суриштиришга улгурарсан, — дейди.

— Йўқ, мен ҳозироқ ҳамма нарсани билишни ис-тайман, ҳозироқ ҳамма нарсани аниқ билишни ис-тайман, — дейди Номи ва юзини бувижонимнинг юзига босиб, йиғлаб юборгудай бўлади. Онам нима гаплигини англолмай, бош чайқайди, отам эса «Узоқ йўл юриб чарчадим, бунақанги ғиди-бидиларни эши-тишга тоқатим йўқ», дейди. Фақат бувижонимнинг овозигина вазмин ва сокин янграйди:

— Хонадонимга хуш кепсизлар! Миклош, болагинам, диққат бўлаверма, биз ҳозир Номи ва Илдико билан бирга бир оз айланиб келамиз, сен эса ётиб дамингни ол, хўпми болажоним?



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4395> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4395> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4395>